

Германиялик ҳамкорлар билан истиқболли лойиҳалар амалга оширилади



Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров Германиянинг NEWCADE Project Management компанияси директори Мөхәмет Гедиз билан учрашув ўтказди.

Мазкур учрашувда туман ҳудудида 2024-2026 йилларда умумий қиймати 8 млрд 600 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали очик ер майдонларида қуёш электро станцияларини қуриш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш бўйича меморандумни имзоладилар.

Шунингдек, ҳамкорлик доирасида NEWCADE Project Management компанияси директори Мөхәмет Гедиз бўш ер майдонларида қуёш панеллари ўрнатиш ҳамда унинг остидаги ер майдонларида иссиқхона ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш таклифини илгари сурди.